

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУГАППАРОВ ФАРХОД СУЛТОНАХМАДОВИЧ

**АМИГДАЛИН ВА *o*-, *m*-, *n*-ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙ КИСЛОТАЛАРИ
АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ҲАМДА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдугаппаров Фарход Султонахмадович Амигдалин ва <i>o</i> - , <i>m</i> - , <i>p</i> -ферроценилбензой кислоталари айрим ҳосилалари синтези ҳамда уларни синфлаш.....	3
Абдугаппаров Фарход Султонахмадович Синтез и классификация некоторых производных амигдалина и <i>o</i> - , <i>m</i> - , <i>p</i> -ферроценилбензойных кислот.....	21
Abdugapparov Farkhod Sultonakhmadovich Synthesis and classification of some derivatives of amygdalin and <i>o</i> -, <i>m</i> -, <i>p</i> - ferrocenyl benzoic acids.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУГАШПАРОВ ФАРХОД СУЛТОНАХМАДОВИЧ

**АМИГДАЛИН ВА *o*-, *m*-, *n*-ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙ КИСЛОТАЛАРИ
АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ҲАМДА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К319 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадихонов Неъматхон
кимё фанлари доктори, профессор
Умаров Абдумиталибжон
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91 e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

В.У.Хўжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

М.Нишонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тех.ф.н., профессор

Ш.В.Абдуллаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари аҳолисининг кундан-кунга ўсиб бориши озиқ-овқат асоси бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларни кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Ўсимликларни вегетациясини тезлаштирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи янги турдаги биологик фаол моддаларни амалиётга жорий этиш ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди. Янги турдаги биологик фаол моддалар манбаларини аниқлаш, уларни модификация қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан экинларни униши, вегетацияси ва ҳосилдорлигини ортишига ижобий таъсир этувчи янги турдаги экологик безарар, биологик фаол моддаларни яратишга аҳамият қаратилмоқда. Бу эса амалда қўлланилаётган препаратлардан безарарлиги билан устун бўлган экологик тоза биостимуляторларни яратишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, таркибида табиий бирикма-амигдалин сақловчи металлорганик бирикмаларни синтез қилиш ва уларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, амигдалин ҳамда ферроценлбензой кислоталари асосида янги турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари учун экологик безарар биологик фаол бирикмалар синтез қилиш, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамызда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий препаратлар синтези, экинлар ҳосилдорлигини оширувчи, ер структурасини яхшиловчи, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишда кенг фойдаланиладиган маҳаллий хом-ашёлар асосида препаратлар яратиш борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, амигдалин ва ферроценлбензой кислоталари асосида биостимуляторларнинг янги экологик тоза авлодини синтез қилиш, кимёвий таркиби асосида ТИФТН бўйича тегишли товар код рақамларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амигдалин ва унинг ҳосилалари Е.Родригез, Е.Арая, К.Блиард, Г.Масито, А.Латер, Л.Шарма, А.Мажид, А.Адам, А.И.Данчук, Е.И.Селифонова, Р.К.Чернова, С.Ю.Доронин каби кўплаб хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Ферроцен, ферроценбензой кислоталари ва уларнинг ҳосилалари устида кўплаб олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. А.Н.Несмеянов, В.Д.Вильчевская, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.А.Сергеев, С.А.Шлётль, Л.Асатиани, Е.А.Коленников, Я.М.Паушкин ва Р.Б.Вудворд каби олимлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторлар кимё фанлари доктори, профессорлар А.Ғ.Маҳсумов, И.Р.Асқаров ва бошқа олимлар ферроцен ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилишга эришишган. Улар томонидан яратилган биостимуляторлар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Ферроценни алифатик ва ароматик ҳосилалари асосида олинган биологик фаол моддалар ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган, лекин таркибида ферроцен ва амигдалин ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтези амалга оширилмаган ва улар кимёвий таркиби бўйича синфланмаган. Шунинг учун, таркибида ферроцен ва амигдалин ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтез қилиш, хоссаларини физик-кимёвий усуллар орқали аниқлаш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Амигдалинни табиий манбалардан ажратиб олишни такомиллаштириш, амигдалин ва ферроценбензой кислоталари асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилиш, уларни биостимуляторлик хоссаларини аниқлаш, ушбу бирикмалар учун кимёвий таркиби асосида ҳалқаро код рақамлари ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аччиқ бодом таркибидан амигдалин ажратиб олиш усулларини такомиллаштириш;

амигдалин ва ферроценилбензой кислоталари негизда янги биологик фаол бирикмалар синтезини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг хоссалари, кимёвий таркиби, тузилиши, антиоксидантлик хусусиятлари, физик-кимёвий, физикавий анализ ҳамда биологик усулларда тадқиқ этиш;

синтез қилинган бирикмалар орасидан биологик фаоллиги юқори бўлганларини аниқлаш ҳамда дала амалиётида қўллаш учун тавсия этиш;

синтез қилинган янги бирикмаларга кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича товар кодларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида амигдалин, амигдалиннинг *n*-ферроценилбензой кислота, *m*-ферроценилбензой кислота ва *o*-ферроценилбензой кислоталари билан ҳосилалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида амигдалин ва ферроценилбензой кислоталари ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва кимёвий таркиби асосида уларга код рақами бериш ҳамда синфларга ажратиш кўрсатилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида синтез, анализ, юпка қатламли ва колонкали хроматография, ИҚ-спектоскопия, масс-спектрометрия, квант-кимёвий ҳисоблашлар, элемент анализи ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аччиқ бодом таркибидан амигдалин ажратиб олишда диэтил эфири ўрнига арзон, хавфсиз ва экологик тоза эритувчидан фойдаланиш таклиф этиш ҳисобига усул такомиллаштирилган;

амигдалин ва *o*-, *m*-, *n*- ферроценилбензой кислоталари ҳамда уларнинг ҳосилалари асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилинган;

таркибида амигдалин ва ферроценилбензой кислоталари ҳосилалари сақловчи биологик фаол моддаларни кимёвий таркиби ҳамда физикавий хоссалари аниқланган;

синтез қилинган янги бирикмаларнинг биологик фаоллиги чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига самарали таъсири исботланган.

Амигдалин ва ферроценбензой кислоталари асосида синтез қилинган биологик фаол бирикмаларни кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги код рақами ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амигдалин ва ферроценилбензой кислоталари асосида олинган ғўза чигитини унувчанлиги ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи «АсХА-1» биостимулятори яратилган;

таркибида амигдалин ва ферроценилбензой кислоталари ҳосилалари тутган биостимулятор хоссасига эга бўлган бирикмалар кимёвий таркиби

асосида синфланган ҳамда уларга ТИФ ТН асосида тегишли код рақамлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларнинг тозалиги хроматография усулида ажратиб олиниб, элемент анализи, ИҚ-спектроскопик, масс-спектрометрик, атом-абсорбцион спектрофотометрик усуллари асосида таркиби ва тузилиши аниқланганлиги, олинган натижалар квант-кимёвий усулларда олинган назарий натижаларга мос эканлиги, уларнинг биологик фаолликлари тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аччиқ бодомдан амигдалин ажратиб олишнинг усули такомиллаштирилган, этерификация реакцияси асосида амигдалин ва ферроценілбензой кислоталарининг биологик фаол хоссаларга эга бўлган мураккаб эфирлари синтези амалга ошириш усуллари таклиф этилган, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, хроматография, атом-абсорбцион спектрофотометрия, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия ҳамда молекулалар тузилиши, хоссалари квант-кимёвий ҳисоблаш методларида тадқиқ этилганлиги амигдалиннинг ферроценілбензой кислоталари билан синтез қилинган мураккаб эфирлари учун ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамлари тавсия этиш билан изоҳланади.

Амигдалин ва ферроценілбензой кислоталари асосида қишлоқ хўжалик экинлари учун янги биологик фаол ҳосилалари синтез қилинганлиги ҳамда уларга ТИФ ТН бўйича код рақами берилганлиги тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амигдалин ва ферроценілбензой кислоталари негизида синтез қилинган биологик фаол моддаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

амигдалин ва ферроценілбензой кислоталари асосида синтез қилинган «АсХА-1» биостимуляторини қўллаш технологияси 2019-2020 йиллар давомида Андижон вилоятидаги жами 50 гектар ғўза майдонларига жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 05/032-3839 сон маълумотномаси). Натижада, биостимулятор билан ишлов берилган ғўза майдонларидан гектаридан кўшимча 3,8-3,9 ц ҳосил олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича амигдалин ва *o*-, *m*- ва *n*-ферроценілбензой кислоталари билан синтез қилинган мураккаб эфирлари учун 2938 90 900 1 халқаро код рақами ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2020 йил 20 августдаги 1/16-281-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида амигдалин ва ферроценілбензой

кислотаси асосида олинган мураккаб эфирларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 7 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Амигдалин ва ферроцен ҳосилалари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, амигдалиннинг тузилиши, амигдалиннинг ажратиб олиниши, ферроцен асосида синтез қилинган биологик фаол бирикмалар, ферроцен ҳосилаларини квант-кимёвий ҳисоблашлар, товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича замонавий тадқиқот натижалари келтирилган.


Диссертациянинг «**Амигдалин ва ферроценил бензой кислоталари синтези**» деб номланган иккинчи бобида амигдалинни табиий манбалардан ажратиб олиш, ферроценилбензой кислоталари ва уларнинг ҳосилаларини олиш, ([6- α -D-глюкопиранозил-4- α -(ацетил) β -D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил) синтези, синтез қилинган моддаларни кимёвий таркиби асосида синфлаш, амигдалин ва ферроценилбензой кислотаси асосида синтез қилинган бирикмаларни биологик фаоллигини ўрганиш, ([6- α -D-глюкопиранозил-4- α -(*p,m*-ферроценил-бензоил) β -D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)ларнинг антиоксидантлик хусусиятлари, олинган бирикмаларнинг структураси ва физик-кимёвий хассаларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Амигдалин табиий манбалардан ажратиб олишда таркибида амигдалин сақловчи ўсимликларни сув ёки этил спиртида экстракция қилинади.

Экстракт филтрланади ва таркибидаги амигдалин диэтил эфири билан чўктирилади. Ушбу усулни такомиллаштириш мақсадида экстракт таркибидаги амигдалинни чўктиришда диэтил эфири ўрнига муз ҳаммомидан фойдаланилди. Амигдалинни тозалашда колонкали хроматография усули қўлланилди. Шу билан бирга такомиллашган усулда ажратиб олинган амигдалиннинг унуми ва тозалиги анъанавий усулларда ажратиб олинган амигдалин унумига яқин миқдорларда бўлиши аниқланди. Ажратиб олинган амигдалиннинг физик-кимёвий кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган маълумотларга мос келиши исботланди.

Ажратиб олинган амигдалин таркибидаги функционал гуруҳлар ИҚ-спектроскопия усули орқали аниқланди. ИҚ-спектрнинг 698 см^{-1} соҳадаги интенсив ютилишлар моноалмашган бензол ҳалқа ва 1454 см^{-1} деформацион (δ_{CH}) тебранишлар ароматик ҳалқа, 2164 см^{-1} интенсивлиги паст чўққилар амигдалин структурасида CN гуруҳ борлигини исботлайди. Шунингдек, 2896 см^{-1} даги чўққи углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларига, 3392 см^{-1} соҳадаги кенг ютилиш чизиғи O–H гуруҳ валент тебранишларига мос эканлигини аниқлатади.

Тадқиқотларимиз давомида ажратиб олинган амигдалиннинг молекуляр оғирлиги масс-спектрометрия усули ёрдамида анализ қилинди (1-расм).



1-расм. Амигдалиннинг масс спектри


1-расмда келтирилган натижаларда кўришиб турибдики, амигдалиннинг молекуляр оғирлиги 458 m/z $\text{C}_{20}\text{H}_{27}\text{NO}_{11}$, протонлашган молекула 456 m/z $\text{C}_{20}\text{H}_{27}\text{NO}_{11}$, депротонлашган молекула эканлиги исботланди.

([(6-O-B-D-ГЛЮКОПИРАНОЗИЛ-4-O-(АЦЕТИЛ)В-D-ГЛЮКОПИРАНОЗИЛ) ОКСИ] (ФЕНИЛ) АЦЕТОНИТРИЛ) СИНТЕЗИ


Амигдалинни сирка ангидрид билан синтезини амалга ошириш учун квант-кимёвий ҳисоблашлар натижасида бирикмаларнинг тўла энергия қийматлари Gaussian 98 дастурида DFT/B3LYP методи 6-311G(2d) базисида газ фазада ҳисоблаб чиқилди. Бундан ташқари ҳар бир реагент молекулаларининг электрон тузилиши аниқланиб, атомларда электрон зарядлар тақсимооти ҳамда геометрик катталиқлар боғ узунлиги, дипол моменти, валент бурчаклари ва торсион бурчаклар юқори аниқликда ҳисобланди. Олинган маълумотлар адабиётларда келтирилган параметрларга мос тушди. Молекуланинг электрон тузилиши орқали алоҳида атомларнинг реакция қобилиятлари аниқланди. Ушбу натижалар асосида реакциянинг эҳтимоллик ҳосилалари ҳисобланди ва синтез маҳсулотларининг юқори унум билан чиқиши назарий жиҳатдан асосланди ҳамда синтез амалга оширилди.

Синтез қилинган бирикманинг ИҚ-спектридаги 698 см^{-1} ва 756 см^{-1} соҳаларда кузатилган интенсив чўққилар бензол халқасига хос, 1556 см^{-1} даги кучсиз интенсивликка эга чўққилар ($\nu_{\text{C-H}}$) тебранишларга, 638 см^{-1} ва 1035 см^{-1} соҳадаларга ютилишлар халқанинг деформацион (δ_{CCC}) тебранишларга, 1635 см^{-1} соҳадаги интенсив чўққилар халқадаги углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларига хос эканлигини аниқлатади. Бензол ва Ср халқаларининг $\nu_{\text{C-H}}$ тебранишлари 3280 см^{-1} соҳадаги чўққилар ҳосил қилиши аниқланди. Карбоксил гуруҳга хос бўлган ($\delta_{\text{C-OH}}$), ($\nu_{\text{C=O}}$) тебранишлари мос равишда, 1274 см^{-1} ва 1685 см^{-1} соҳаларда чўққилар бериши маълум бўлди. О–Н гуруҳ валент тебранишлари 3398 см^{-1} соҳада кенг ютилишлар ҳосил қилиши кузатилди.

Реакция қуйидаги схема бўйича олиб борилди:



Амигдалинни янги ҳосилалари синтезини таҳлил қилиш учун квант кимёвий ҳисоблашлар асосида реакцияга киришувчи ҳар бир реагентнинг ва реакция маҳсулотларининг умумий энергия қийматлари Gaussian 98 дастурида ҳисоблабланди (2-расм).



2-расм. Амигдалиннинг оптималлаштирилган молекуляр тузилиши

Реагентларининг молекуляр тузилиши оптималлаштирилиб, атомларда зарядлар тақсимооти ҳамда геометрик катталиклар: боғ узунлиги, тартиби, валент бурчаклар ва торцион бурчаклар ҳисобланди. Олинган назарий ҳисоблашлар натижалари асосида молекула таркибидаги атомлар ва функционал гуруҳларнинг реакцияга киришиш хусусиятлари таҳлил қилинди (1-жадвал).


1-жадвал

Амигдалин гидроксил гуруҳларини реакция қобилиятини ифодаловчи квант-кимёвий ҳисоблашлар натижалари орқали баҳолаш


ОН гуруҳ	q_O	q_H	r_{O-H}	F/k
1	-0,552	0,353	0,9997	-0,19486
2	-0,558	0,352	0,99325	-0,19642
3	-0,571	0,356	0,99678	-0,20328
4	-0,561	0,36	0,99858	-0,20196
5	-0,551	0,355	0,99416	-0,19561
6	-0,568	0,354	0,99703	-0,20107
7	-0,562	0,367	0,99605	-0,20625

1-ҳолатдаги гидроксил гуруҳида депротонланиш қийин кетиши ва электрофилъ ўрин олиш реакциясида реагентнинг ушбу ҳолатга йўналмаслиги, чизмада курсатилганидек, 1-ҳолатдаги гидроксил (шартли рақамланган) гуруҳининг молекуладаги бензол ҳалқасига, нисбатан яқин жойлашганлиги, стерео факторнинг таъсири билан тушинтириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида ферроцен ва *n*-аминобензой кислотасини диазотирлаш реакцияси орқали *n*-ферроценилбензой кислотаси олинди.



Синтез қилинган бирикманнинг тузилиши ИҚ-спектроскопия усули орқали таҳлил қилинди (3-расм).




2


3-расм. *n*-Ферроценилбензой кислотасининг ИҚ спектри

n-Ферроценилбензой кислотасининг ИҚ спектрида бензол халқасига хос бўлган ютилишлар спектрнинг 687 см^{-1} , 759 см^{-1} соҳаларида кузатилади. Бундан ташқари спектрнинг 1411 см^{-1} , 1504 см^{-1} соҳадаги ютилишлар (β_{CH})га хос, 909 см^{-1} даги ютилишлар эса халқанинг деформацион (δ_{CCC}) тебраниши, 1604 см^{-1} даги чўққи халқадаги углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларини англатади. 800 см^{-1} соҳадаги интенсивлиги юқори бўлмаган ютилишлар циклопентадиенил халқасининг (ρ_{CH}) тебранишини билдиради. Алмашинган халқанинг (β_{CH}) тебраниши 1411 см^{-1} соҳада кузатилади. Углерод атомларининг валент тебраниши (ν_{CC}) 1105 см^{-1} соҳада жойлашган. Карбоксил гуруҳга хос бўлган (δ_{COH}) тебраниши 1298 см^{-1} соҳаларда ютилиш чизиқларини беради (4-расм).

[[(6-O-β-D-глюкопиранозил-4-O-(n-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил) амигдалин ва n-ферроценилбензой кислотаси асосида олинди.



Синтез қилинган бирикманинг тузилиши ИҚ-спектроскопия усули орқали ўрганилди (4-расм).



4-расм. [[(6-O-β-D-глюкопиранозил-4-O-(n-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил) ИҚ спектри.

([(6-O-β-D-глюкопиранозил-4-O-(n-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил) ИК спектрида 1005 ва 1106 см⁻¹ соҳада ферроцен қолдиғида алмашинмаган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. 3412 см⁻¹ да ютилиши чизиғи ассоцияланган –ОН гуруҳ, 820 см⁻¹ да деформацион тебранишли 1,4-диалмашинган бензол халқаси, 684 см⁻¹ да моноалмашинган бензол халқаси, 1599 см⁻¹ да -C≡N гуруҳлар мавжудлигидан далолат берди (5-расм).

Амигдалин ва п-ферроценбензой кислотаси асосида синтез қилинган бирикмаларнинг ИҚ-спектрларидаги маълумотлар ушбу молекуланинг квант-кимёвий ҳисоблаб топилган спектр натижалари билан таққосланди (2-жадвал ва 6-расм). Синтез қилинган моддаларнинг спектрлари Gaussian 98 дастурида DFT/B3LYP методининг 6-311G(2d) базисида амалга оширилди.


2-жадвал

Таққосланган квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари

Тебраниш тури	Ҳисобланган	Ўлчанган
$\delta_{s(\text{CCC})}(\text{Glu})$ (алмашинмаган)	427,14	419,33
$\tau(\text{CCC})(\text{Ar}_2)$	456,31	441,08
$\delta_{s(\text{CCC})}(\text{Glu})$ (алмашинган)	500,98	494,51
$\delta_{s(\text{CCC})}(\text{Ar})$	684,77	687,07
$\pi(\text{CH}) (\text{Ar})$	777,04	759,84
$\pi(\text{CH}) (\text{Ar})$	818,15	814,53
$\nu_s(\text{CO}) (\text{Glu})$ (алмашинмаган)	994,84	1000,00
$\nu_{as}(\text{CCC}) (\text{Glu})$ (алмашинмаган)	1112,57	1106,62
$\delta_{s(\text{CH})}(\text{Ar})$	1269,3	1267,77
$\nu_s(\text{CC}) (\text{Cp-Ar})$	1301,79	1300,7
$r(\text{CH})(\text{Cp})$	1415,67	1412,71
$\nu_{as}(\text{CCC}) (\text{Ar})$	1594,56	1606,55
$\nu_s(\text{CCC}) (\text{Ar})$	1638,95	1687,14
$\nu_s(\text{CH}) (\text{Glu})$ (алмашинган)	2974,78	2924,41
$\nu_s(\text{OH}) (\text{Glu})$ (алмашинган)	3474,52	3438,09

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, синтез қилинган бирикманинг спектридаги ютилиш чўққилари тўлқин сонларини унинг мумкин бўлган тебранишлари учун ҳисобланган тўлқин сонларга таққослаш, амалда ҳосил бўлган бирикмани молекуляр структурага мос эканлигини тасдиқлайди.

Синтез қилинган модданинг молекуляр тузилиши оптималлаштирилиб, атомларда зарядлар тақсимооти ҳисобланди. Олинган назарий ҳисоблашлар натижалари асосида синтез қилинган модданинг структура тузилиши аниқланди (5-расм). Синтез қилинган бирикманинг спектридаги ютилиш чўққилари тўлқин сонларини унинг мумкин бўлган тебранишлари учун ҳисобланган тўлқин сонларга таққослаш, амалда ҳосил бўлган бирикмани молекуляр структурага мос эканлигини тасдиқлайди.



5-расм.([(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*n*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)нинг оптималлаштирилган молекуляр тузилиши

Синтез қилинган янги [(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*n*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил) ва [(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси](фенил) ацетонитрил) бирикмаларнинг номлари мос равишда АсХА-1 ва АсХА-2 деб шартли номланди. АсХА-1 ва АсХА-2 бирикмаларининг биологик фаолликлари (ғўза чигити унувчанлигига, пахта хосилдорлигига таъсири, антиоксидантлиги) ўрганилди.

АсХА-1 ва АсХА-2нинг ғўза чигити унувчанлигига таъсири лаборатория шароитида Калинкеевич усули ёрдамида аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Лаборатория шароитида АсХА-1 ва АсХА-2 биостимуляторларини чигитнинг унишига таъсирини ўрганиш натижалари.

№	Препарат номи	Эритма кон-центрацияси, %	Униш энергияси, %			Унувчанлик, %		
			Ўртача қиймат	четланиш		Ўртача қиймат	четланиш	
				назоратда н	эталонда н		назоратда н	эталонда н
1	АсХА-1	0.1	84	+5	+3	90	+6	+3

	[(6-O-β-D- глюкопиранозил-4-O-(п- ферроценил-бензоил)β- D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)	0.01	85	+6	+3	92	+8	+4
		0.001	87	+8	+4	98	+14	+8
2	АсХА-2 [(6-O-β-D- глюкопиранозил-4-O- (м-ферроценил- бензоил)β-D- глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)	0.1	82	+3	+1	88	+4	+1
		0.01	83	+4	+1	91	+6	+1
		0.001	85	+6	+2	95	+11	+5
4	МИВАЛ (эталон)	0.1	81	+2	-	87	+3	-
		0.01	82	+3	-	88	+4	-
		0.001	83	+4	-	90	+6	-
5	Сув (назорат)	-	79	-	-3	84	-	-4

3-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, АсХА-1 препаратининг 0,001 % ли эритмаси қолган препаратларга нисбатан биостимуляторлик хоссасини кучлироқ намоён этганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, АсХА-1 ва АсХА-2нинг антиоксидантлик хусусиятлари *in vitro* шароитида аутооксидланиш усули ёрдамида ўрганилди. Олинган натижаларга кўра антиоксидантлик фаоллиги адреналиннинг *in vitro* шароитида аутооксидланиш реакциясининг ингибитирланиши билан аниқланди ҳамда кислороднинг эркин шаклини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилди.

АсХА-1 биостимуляторининг 0,001%-ли сувли эритмасини 2019-2020 йилларда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Зарбулоқ дала кўрки” ва Андижон тумани “Авазбек” фермер хўжалиги ва пахта майдонида дала синовларидан ўтказилди. Олинган натижалар 4-5 жадвалларда келтирилган.

4-жадвал.

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Зарбулоқ дала кўрки” пахта майдонида 2019-2020 йилларда ўтказилган дала амалиёти натижалари

№	Тажриба вариантлари	Чинбарглар сони, дона	Ўзанинг бўйи, см	Ҳосил шоҳи, дона	Ҳосил элементлари, дона	Кўсақлар сони, дона
2019 йил						
		15.05	15.07	15.08	15.08	15.09
1.	АсХА-1	5,0	110,4	13,2	17,6	11,7
2.	Сув (назорат)	3,6	100,6	11,8	14,3	10,1
	ФАРҚ	1,4	9,8	1,4	3,3	1,6
2020 йил						

		20.04	21.08	21.08	21.08	08.09
1.	АсХА-1	5,1	110,5	12,9	17,2	12,3
2.	Сув (назорат)	3,5	101,3	11,6	14,1	10,2
	ФАРҚ	1,6	10,2	1,3	3,1	2,1

5-жадвал.

Андижон вилояти Андижон тумани “Авазбек” фермер хўжалиги пахта майдонида 2019-2020 йилларда ўтказилган дала амалиёти натижалари

№	Тажриба вариантлари	Чинбарглар сони, дона	Ўзанинг бўйи, см	Ҳосил шоҳи, дона	Ҳосил элементлари, дона	Кўсақлар сони, дона
2019 йил						
		20.05	18.08	18.08	18.08	05.09
1.	АсХА-1	4,9	110,2	11,5	16,2	11,4
2.	Сув (назорат)	3,3	100,0	13,0	13,1	10,0
	ФАРҚ	1,6	10,2	1,5	3,1	1,4
2020 йил						
		19.04	20.08	20.08	20.08	07.09
1.	АсХА-1	4,9	110,8	12,8	15,8	11,1
2.	Сув (назорат)	3,3	100,0	11,0	13,0	9,8
	ФАРҚ	1,6	10,8	1,8	2,8	1,3

АсХА-1нинг биостимуляторлик хоссалари Андижон вилояти фермер хўжаликлари ўза майдонларида қўлланилганда ҳар бир гектар майдондан кўшимча ўртача 3.9 ц/га ҳосилдорлик ортиши аниқланди.

2019-2020 йилларда Андижон вилояти Андижон тумани “Авазбек” фермер хўжалиги, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Зарбулоқ дала кўрки” пахта майдонида ўтказилган тажриба натижалари асосида қуйдагича хулосалар қилинди:

1. Тажрибада чигитларни униб чиқишини кузатганимизда АсХА-1 биостимулятори билан экишдан олдин дориланган вариантда 96,8-97,9 % униб чиқиб, назоратга нисбатан 6,3-6,8 % юқори бўлганлиги кузатилди.

2. Ўзаларни АсХА-1 биостимулятори билан экишдан олдин дориланган вариантда, кўсақлар сони 11,1-12,3 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,3-2,1 дона кўп бўлганлиги кузатилди.

3. Энг юқори пахта ҳосили АсХА-1 биостимулятори чигитни экишдан олдин дориланган вариантда 38,9 ц/га олиниб, назоратга нисбатан 3,8-3,9 ц/га юқори ҳосил олинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб кўп соҳалардаги муаммоларга босқичма босқич барҳам берилиб, ривожланишга катта эътибор қаратила бошланди. Давлатимиз иқтисодиётида салмоқли

ўринга эга бўлган давлат божхона тизимида ҳам кўплаб ўзгаришлар бўлди. Жумладан, марказий божхона экспертиза лабораторияларининг ташкил қилиниши бунинг исботидир.

Маълумки, товарлар импорт-экспорт амалиётларида товарнинг код рақамлари унинг бож ставкаларини белгилашдаги асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Товарларга код рақамларини белгилашда божхона экспертиза лабораториясининг ўрни жуда катта. Товарларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича синфлаш ушбу лабораториянинг асосий вазифаларидан биридир.

02.00.09 – «Товарлар кимёси» ихтисослиги бўйича товарларнинг кимёвий таркиби, кимёвий ва физикавий ва бошқа хоссалари асосида халқаро ТИФ ТН да код рақамларини белгилаш ва сертификатлар бериш муаммоларини тадқиқ этилади.

Бу ихтисосликда ТИФ ТН га кўра товарларни таснифлаш, сертификатлаш билан боғлиқ ҳолда моддаларнинг таркиби, олиниши, келиб чиқиши, тузилиши, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш каби кимёвий, технологик тадқиқотлар билан бир қаторда иқтисодий тадқиқотлар ҳам олиб бориш ҳам кўзда тутилган.

Тадқиқотлар давомида синтез қилинган табиий цианогликозид-амигдалиннинг сирка ангидрид, *n*-ферроценилбензой кислота, *m*-ферроценилбензой кислота ва *o*-ферроценилбензой кислоталари билан мураккаб эфирлари олинган. Олинган ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича код рақамлари берилиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда синтез қилинган амигдалинҳосилалариникимёвий таркиби асосида синфлаб, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига амигдалиннинг *o*-, *m*-, *n*-ферроценилбензой кислоталари билан синтез қилинган ҳосилалари учун 2938 90 900 1 халқаро код рақами таклиф этилди. Таклиф этилаётган ТИФ ТН код рақамлари б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

Амигдалин ҳосилалари учун таклиф этилган ТИФ ТН код рақамлари

Амалдаги		Таклиф этилган	
2938	Гликозидлар, табиий ёки синтетик, уларнинг тузлари, оддий ва мураккаб эфирлари ва бошқа ҳосилалари:	2938	Гликозидлар, табиий ёки синтетик, уларнинг тузлари, оддий ва мураккаб эфирлари ва бошқа ҳосилалари:
2938 90 900 0	– бошқалар;	2938 90 900 1	– – – амигдалиннинг <i>p</i> -, <i>m</i> - ва <i>o</i> -ферроценилбензой кислоталари билан синтез қилинган ҳосилалари
		2938 90 9009	--- бошқалар

ХУЛОСАЛАР

“Амигдалин ва *o*-, *m*-, *n*-ферроценилбензой кислоталари айрим ҳосилалари синтези ҳамда уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Амигдалин ва ферроценбензой кислоталари ҳосилалари синтезига доир адабиётлар ўрганилди. Тегишли адабиёт манбалари таҳлили натижасида амигдалин ва *o*-, *m*-, *n*-ферроценилбензой кислоталари асосида бирикмалар олинмаганлиги билан изоҳланади.

2. Амигдалинни табиий манбалардан ажратиб олишда диэтил эфири ўрнига арзон, хавфсиз ва экологик тоза эритувчидан фойдаланиш ҳисобига такомиллаштирилган усул таклиф этилди.

3. Амигдалиннинг сирка ангидрид билан реакциялари амалга оширилиб, реакциянинг бориши квант кимёвий усуллари ёрдамида таҳлил қилинди ҳамда уларнинг физик-киёмий кўрсаткичлари билан изоҳланади.

4. Амигдалиннинг ва *o*-, *m*-, *n*-ферроценилбензой кислоталари билан реакциялари ўрганилиб, асосий маҳсулот сифатида амигдалиннинг мураккаб эфири ҳосил бўлиши кўрсатилди.

5. Амигдалин асосида 4 та янги модда синтез қилинди. Олинган бирикмаларни тузилиши ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия усуллари ёрдамида таҳлил қилинди. Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги лаборатория шароитида ўрганилиб, 2 та бирикманинг биостимуляторлик хоссаси юқорилиги кўрсатилди.

6. Амигдалин ва *n*-ферроценилбензой кислотасидан ташкил топган ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи «АсХА-1» биостимулятори яратилди. «АсХА-1» биостимулятори билан ғўзага ишлов берилганда ҳар бир гектари дала майдонидан қўшимча 3,9 ц ҳосил олинди. АсХА-1 препаратини қишлоқ хўжалигида қўллаш орқали 1 га пахта майдонидан қўшимча 825000 сўм миқдорда даромад олиниши исботланди.

7. Амигдалин ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, ташки иктисодий фаолият товарлар номенклатурасига амигдалиннинг *n*-, *m*- ва *o*-ферроценилбензой кислоталари билан синтез қилинган ҳосилалари учун 2938 90 900 1 халқаро код рақами таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.К.05.01ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУГАППАРОВ ФАРХОД СУЛТОНАХМАДОВИЧ

**СИНТЕЗ И КЛАССИФИКАЦИЯ НЕКОТОРЫХ ПРОИЗВОДНЫХ
АМИГДАЛИНА И *o*-, *m*-, *p*-ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙНЫХ КИСЛОТ
02.00.09 – Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/К319.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Аскарлов Иброхим Рахмонович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мадихонов Нейматхон**
доктор химических наук, профессор

Умаров Абдумиталибжон
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 года в ___ часов. на заседании Научного совета PhD03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: “_____” 2020 года.
(№ реестра протокола рассылки _____ от “_____” 2020 года.)

В.У.Хўжаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

М.Нишонев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.тех.н., профессор

Ш.В. Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.х.н.

Введение (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и необходимость темы. Рост числа населения стран мира является причиной увеличения потребности в сельскохозяйственных продуктах, являющейся основой продовольствия. Внедрение в практику биологически активных соединений, ускоряющих вегетацию и повышающих урожайность сельскохозяйственных культур играет важную роль в решении этих проблем. Определение источников биологически активных соединений нового типа, их модификация и внедрение в практику является актуальной проблемой.

Со стороны Всемирной организации сельского хозяйства уделяется особое внимание созданию экологически нетоксичных биологически активных соединений нового типа, положительно влияющих на всхожесть, вегетацию и повышение урожайности. Это требует создания экологически чистых биостимуляторов, имеющих преимущества по нетоксичности перед действующими препаратами. В этом аспекте, синтез нетоксичных металлоорганических соединений, содержащих природное соединение – амигдалин имеет важное значение. Синтез экологически чистых, биологически активных соединений для сельскохозяйственных культур на основе амигдалина и ферроценилбензойных кислот, их классификация на основе химического состава и внедрение в практику имеет важной научное и практическое значение.

Одним из основных направлений сферы химии нашей Республики является синтез химических препаратов, используемых в сельском хозяйстве, и в этом направлении многие разработки внедряются в практику. В этом направлении проводятся научные исследования по созданию на основе местного сырья препаратов, повышающих урожайность, улучшающих структуру почвы, широко используемых для борьбы с вредителями и инородными растениями. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан приоритетными задачами определены «углубление структурных изменений и последовательное развитие производства сельского хозяйства, укрепление продовольственной безопасности Республики, расширение производства экологически чистых биостимуляторов, увеличение экспортного потенциала аграрного сектора»². Исходя из этих задач, организация научно-исследовательских работ по синтезу нового поколения экологически чистых биостимуляторов на основе амигдалина и ферроценилбензойной кислоты, разработке на основе химического состава соответствующих кодовых знаков товаров по ТН ВЭД и внедрение их в практику имеет важное значение.

Это диссертационное исследование в определенной мере послужит решению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УК-4947 от 7 февраля 2017 года о “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Решении Президента

²Указ Президента Республики Узбекистан УК-4947 от 7 февраля 2017 года о “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

Республики Узбекистан РП-2884 от 12 апреля 2017 года “О мерах усовершенствования управленческой структуры АО “Узкимёсаноат”” и других задач, указанных в нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с развитием приоритетных направлений науки и технологии Республики VII. “Химические технологии и нанотехнологии”.

Степень изученности проблемы. Амигдалин и его производные изучены такими учеными как Е.Родригез, Е.Арая, К.Блиард, Г.Масито, А.Латер, Л.Шарма, А. Мажид, А.Адам, А.И.Данчук, Е.И.Селифонова, Р.К.Чернова, С.Ю.Доронин.

Над ферроценом, ферроценбензойными кислотами и их производными многие ученые проводили научные исследования. К таким ученым относятся А.Н.Несмеянов, В.Д.Вильчевская, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.А.Сергеев, С.А.Шлёгль, Л.Асатиани, Е.А.Коленников, Я.М.Паушкин, Р.Б.Вудворд.

